

Ибтидоий жамоа тузуми кишилиқ жамияти тараккиётидаги энг узок давом этган ва энг кадимги давридир. Бу даврни ёзма манбалар асосида ўрганиб бўлмади. Шунинг учун ҳам бу даврни чуқур ўрганишда археология, этнография, антропология каби фанларнинг ахамияти бекиёсдир. Кадимги одамлар ўз фаолияти даврида атроф-мухитга таъсир кўрсатиб, кундалиқ хаётда ўзига зарур бўладиган меҳнат куроллари ясаган, яшаш учун маконлар танлаган, кейинчалиқ эса бошпаналар курганлар. Ўз навбатида бу жараёнлар инсон фаолиятига таъсир кўрсатган.

Хозирги пайтда Ўрта Осиё худудида ибтидоий жамият ривожланишининг алоҳида босқичлари куйидаги даврларга бўлинади:

1. Палеолит («палайос»-кадимги, «литос»-тош) даври; бундан тахминан 800 минг йил илгари бошланиб, 15—12 минг йил илгари тугайди; ўз навбатида бу давр учга бўлинади;
 - а) илк палеолит-Ашель даври, 800-100 минг йилни ўз ичига олади;
 - б) ўрта палеолит-Мустье даври, милоддан аввалги 100-40 минг йилликлар;
 - в) сўнги палеолит-милоддан аввалги 40-12 минг йиллик.
2. Мезолит («мезос»-ўрта, «литос»-тош) милоддан аввалги 12-7 минг йилликлар.
3. Неолит («неос»-янги тош)-милоддан аввалги 6-4 минг йилликлар.
4. Энеолит (мис-тош даври)-милоддан аввалги 4 минг йилликнинг охири-3 минг йилликнинг боши.
5. Бронза даври-милоддан аввалги 3-2 минг йилликлар.
6. Темир даври-милоддан аввалги 1-минг йилликнинг бошларидан.

Ўзбекистон худудларидаги энг кадимги одамларнинг манзилгоҳлари Фаргона во-дийсидаги Селунгур, Тошкент вилоятидаги Кўлбулок, Бухородаги Учтут маконлари-дан топилган. Бу давр одамлари тошлардан кўпол куроллар (чопперлар) ясаб, термачилиқ ва жамоа бўлиб ов қилиш билан шугулланишган. Илк палеолит даври одам-лари жисмоний жихатдан ҳам, аклий жихатдан ҳам хозирги одамлардан фарқ қилишган. Улар табиат олдида ожиз бўлиб, унда тайёр бўлган махсулотларни ўзлаштирганлар. Улар на диний тушунчани, на дехқончилиқни ва на чорвачилиқни билганлар.

Ўрта палеолит даври маконлари Тошкент воҳасидаги Обирахмат, Хўжакент, Самарқанддаги Омонкўтон, Бойсун тоғларидаги Тешиктош каби кўпгина маконлардан аниқланган бўлиб, улардан шу даврга оид кўпгина турли-туман тошдан ясалган меҳнат куроллари топилган. Обирахмат макони ёйсимон шаклда бўлиб, бу ерда 10 м калинликдаги 21 та маданий катлам аниқланган. Топилмалар орасида нуклеуслар, парракчалар, ўткир учли сиччалар, киргичлар учрайди, шунингдек, турли хайвонлар суяклари ҳам кўпчилиқни ташкил этади. Яна бир машҳур ёдгорлик Тешиктош гор макони бўлиб, бу ердан турли-туман куроллар ва хайвон суякларидан ташқари, 9-10 яшар боланинг қабри қазиб очилган. Қабрдаги мурданинг ёнига турли тош куроллар ва архар шохи қадаб қўйилган.

Ўрта палеолит даврига келиб ибтидоий жамият одамларининг меҳнат куроллари такомиллашиб, турмушида янги унсурлар пайдо бўла бошлайди. Энг муҳими, ибтидоий тўдадан уругчилик жамоасига ўтиш бошланади. Шимолдан улкан музлик силжиб келиши

натижасида олов кашф этилади. Одамлар ўчоқлар атрофларида тўланиб, ибтидоий турар-жойларга асос солдилар. Жамоа бўлиб ов қилиш пайдо бўлди.

Сўнгги палеолит қадимги тош асрининг сўнгги босқичидир. Бу даврга оид маконлар Охангарондаги Кўлбулок, Тошкентнинг гарбидаги Бўзсув 1 ҳамда Самарканд шаҳридан топилган. Улардан топилган топилмалар орасида киргичлар, кесгичлар, сихчалар, пичоқлар, болталар каби қуроллар бор. Бу даврга келиб одамлар фақат тоғли худудларга эмас, текисликларга ҳам таркала бошлайдилар. Бу даврнинг энг катта ютуғи уругчилик тузумига (матриархат) ўтилишидир.

Палеолит даврига хулоса ясаб шуни айтиш мумкинки, бу даврда ибтидоий одамлар хўжалик юритишнинг энг оддий йўлларида (териб-термачлаб) мураккаброк кўринишларига (овчилик, балиқчилик) га ўтдилар. Олов кашф этилди. Ибтидоий турар-жойлар ўзлаштирилди. Инсоният ибтидоий пода давридан уругчилик тузумига ўтди. Мехнат қуроллари такомиллашиб, турлари кўпая борди. Шунингдек, бу давр ибтидоий одамлари орасида дастлабки диний қарашлар пайдо бўлди.

Мезолит даври ёдгорликлари Сурхондарёдаги Мачой гор маконидан, Марказий Фаргонанинг кўпгина ёдгорликларидан топиб ўрганилган. Бу даврга келиб музлик яна шимолга қайтади. Хайвонот ва ўсимлик дунёсида катта ўзгаришлар содир бўлади.

Инсоният ўз тарихидаги дастлабки мураккаб мослама-ўқ-ёйни кашф этади.

Мезолит даври қуроллари палеолитга нисбатан ихчамлиги ва сифатлилиги билан фарқ қилади. Мезолит даври қабилалари асосан овчилик ва термачилик хўжалиги юритганлар. Бу даврнинг охирига келиб, дастлабки уй чорвачилиги ёки хайвонларни хонақиллаштириш бошланади.

Неолит даврига келиб, қадимги қабилалар ҳаётида катта-катта ўзгаришлар содир бўлади. Бу давр одамлари аксарият ҳолларда дарё сохиллари ва тармоқлари ёқасида, қўллар бўйларида яшаб, табиий имкониятлардан келиб чиқиб, балиқчилик ва овчилик ёки дехкончилик ва чорвачилик ҳамда қисман хунармандчилик билан шугулланганлар. Энг катта ютуқлардан бири қулоччиликнинг пайдо бўлишидир. Шунингдек, бу даврга келиб тўқимачилик ва қайиқсозлик ҳам пайдо бўлади. Неолит даври қабилалари хўжалик шаклларига қараб қуйидаги маданиятларига бўлинади: Жойтун маданияти, Қалтаминор маданияти, Хисор маданияти.

Жойтун маданияти. Жанубий Туркманистон худудидаги мил.авв. VI-V минг йилликларга оид маданият. Бу ердан Ўрта Осиёдаги биринчи пахса уйлар қолдиқлари, сопол идишлар намуналари аниқланган. Аҳолиси асосан дехкончилик, чорвачилик ва қисман овчилик билан шугулланган.

Қалтаминор маданияти. Қадимги Хоразм худудидан топилган бўлиб, мил. авв. V-IV минг йилликларга оиддир. Топилмалар Қалтаминор қабилаларининг балиқчилик, овчилик ва қисман хунармандчилик билан шугулланганлигидан далолат беради.

Хисор маданияти. Асосан, Хисор-Помир тоғларидан топилган. Милоддан аввалги V-IV минг йилликларга оид. Хисорликлар сопол идишлар ясаб, асосан чорвачилик, овчилик, қисман термачилик билан шугулланганлар.

Энеолит даври маконлари Хитойдан Дунайгача бўлган катта худудда тарқалган бўлиб, ҳамма жойда ижтимоий тараккиётнинг бир хил босқичи кузатилади. Ўрта Осиёда қуйидаги янги тарихий-маданий жараёнлар энеолит даври билан боғлиқ:

1. Хўжаликнинг бошка хамма турларига караганда хайдама дехкончиликнинг устунлик килиши;
2. Тошдан ишланган куруллар кўп бўлган холда мис курулларнинг пайдо бўлиши;
3. Катта-катта ибтидоий жамоаларнинг пахсадан ва хом гиштдан тикланган катта-катта уйлари;
4. Кулолчиликда мухим техника ютуги-хумдонларнинг ишлатилиши.
5. Турли хайвонларнинг лойдан ясалган ва она уруги (матриархат) га хос хайкалчалари;
6. Рангдор, турли тасвирлар билан безатилган сопол буюмлар мавжудлиги.

Энеолит-мис-тош даврида одамлар дастлабки металл билан танишдилар. Бу даврга келиб мис куруллар анча такомиллашган бўлсада, ундан оғир меҳнат куруллари яшашнинг имкони йўқ эди. Мисдан асосан уй-рўзгор буюмлари, такинчоклар ва харбий куруллар ясалган. Энеолит даври ёдгорликлари Бухоро вилоятининг Лавлакон, Бешбулок, Учтут (мис кони) мавзеларидан, Панжикент атрофларидан (Саразм маданияти) топиб текширилган. Бу даврга келиб, дехкончилик Ўрта Осиёнинг шимо-ли-шаркий худудларига хам ёйилади.

Хозирги кунда ибтидоий жамоа тузумининг турли бахсларга сабаб бўлаётган муаммоларидан бири антропогенез-одамнинг пайдо бўлиши ва ривожланишидир. Турли худудларда кадим замонларда яшаган илгор мутафаккирлар одамнинг пайдо бўлиши хақида илмий таърифга якин фикрларни баён этганлар. Улар асосан инсоният хайвонот оламидан ажралиб чиққан деган фикрни билдирадилар. Инсоннинг пайдо бўлиши миллионлаб йиллар давом этган ривожланиш жараёнининг натижасидир. Энг кадимги казилма одам колдиклари Шаркий Африкадан (Олдувай, зинжантроп), Индонезиядан (Ява, питекантроп), Хитойдан (синатроп), Германиядан (Гейдельберг) топиб текширилган. Кейинги топилмалар, яъни, замонавий одамга анча якин бўлган одам колдиклари дастлаб Неандерталь (Германия) водийсидан топилган (Ўзбекистондаги Тешиктош).

Ўрта тош даврида, биринчи навбатда меҳнат жараёнида инсон тафаккурининг ривожланиши натижасида неандерталь киёфасидаги одамлар хозирги киёфадаги одамларга айлана бошладилар. Улар жисмоний жиҳатдан камол топиб, хозирги киёфадаги кишилар вужудга келди ва шу билан антропогенез жараёни тугади (кроманьон кўринишидаги одамлар). Бу жараённинг тугаши инсоният тарихидаги мухим воқеа бўлиб, инсон дастлаб тошдан оддий тўкмок ясаган бўлса, узлуксиз меҳнат, интилиш хамда онгининг ривожланиши натижасида юксак маданият яратиш даражасига етиб келди.

Жанубий Козогистоннинг тоғ ва тоғолди туманларидан, Киргизистоннинг тоғ водийларидан, Жанубий Туркманистонда, Кизилкум ва Коракум ичкарасидаги кадимги кўллар атрофида, Ўзбекистондаги Охангарон, Чирчик дарёлари водийларида, За-рафшон, Сурхондарё, Кашкадарё вохалари, Фаргона водийси ва унинг тоғли худудларидан ибтидоий жамоа тузумининг барча даврларига оид ёдгорликлар топилган. Бу топилмалар Ўрта Осиёни антропогенез жараёни содир бўлган худудлар сарасига кўшиш имконини беради.

Хозирги даврда олимларнинг катта гуруҳи одамзоднинг дастлабки ватани Африка деган фикрни илгари сурса, яна бир гуруҳ олимлар Европа дейдилар. Бошка бир гуруҳ олимлар эса одам илк марта Осиёнинг жанубида пайдо бўлган деган гоёни илгари сурадилар. Умуман олганда, одамзоднинг дастлабки ватани хақида олимлар орасида

Ўрта Осиё худудида ибтидоий жамоа тузуми

Муаллиф:

06.03.2010 16:18 -

ягона фикр хозирча йўқ.